

# Мирсобир Ҳамидқориев 8 йилга қамалди

🕒 19 Ноябрь 2014



🔗 Баҳам кўринг



Москвадан ўғирлаб кетилган ўзбек қочқини Мирсобир Ҳамидқориев Ўзбекистон Жиноят кодексининг Диний-экстремистик фаолият олиб бориш ва тақиқланган ташкилотлар тузиш моддалари бўйича айбдор деб топилиб, саккиз йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Би-би-си Ҳамидқориевнинг ишини кузатиб келаётган Франциядаги "Ўтюралар клуби" раҳбари, инсон ҳақлари фаоли Мўътабар Тожибоевадан маҳкама тафсилотлари ҳақида нималар маълумлиги, маҳкама Ўзбекистон қонунчилигига қанчалар амал қилиниб ўтказилганини сўради.

Мўътабар Тожибоевнинг Мирсобир Ҳамидқориев оила аъзоларига таяниб маълум қилишича, Тошкентда 18 ноябрда ўтган маҳкама қонун тамойилларига зид тарзда ўтказилган ва шошилиш ҳукми чиқарилган.

Ҳамидқориевнинг яқинларига маҳкама ўтказилиши ҳақида хабар қилинмаган, улар тасодифан хабар топиб маҳкамага етиб боришган.

Маҳкама сўнггида судья Ҳамидқориевга охириги сўз айтишга етарли имкон бермаган ва ҳукми эълон қилиб, ишни ёпилганини билдирган.

Мўътабар Тожибоевага кўра, Ўзбекистон ҳукумати Ҳамидқориевга ўхшаган зиёли ёшларни қўрқитиб қўйиш, фикрини эркин айтишга йўл қўймаслик учун шундай амалларни қўлламоқда. Ҳуқуқ фаоли Ҳамидқориевдан ташқари унинг яна бир неча танишлари ҳибсга олиниб, қийноқларга солинганини айтади.

"Ўтюралар клуби" Ўзбекистондаги бундай ҳолатлар тўғрисида БМТнинг Инсон ҳақларини ҳимоя қилиш қўмитасига мурожаат қилмоқчи эканликларини билдирди.



Би-би-си Ўзбек хизмати билан Whatsapp орқали боғланишни истасангиз телефонимиз: +44 7858 860002

**Бу ҳикояни баҳам кўринг** Баҳам кўриш ҳақида



▲ Топга қайтиш

---

## Бу мавзуда батафсилроқ

---

Москвада "Нафс" филмининг қувғиндаги продюссери ўғирлаб кетилган

## Бошқа мавзулар >



"Сурияга чиқиш визаси учун пора олган"

🕒 10 Июл 2016



Шоу- бизнесда Гулнора Каримовани "соғинишган"

🕒 10 Июл 2016



40 даража жазирамада деҳқон уйида ўтирсинми?

🕒 8 Июл 2016

## Муҳаррир танлови



Жаҳон Чемпионати-2018: Ким ғалаба қилади? BBC News ўйини билан бир башорат қилиб кўринг



Москвадаги ўзбеклар: "Пулсиз қолдик, қарзга ботдик..."



Собиқ уйсиз дунёни очликдан қандай қутқармоқчи?



Дунёда мисли кўрилмаган тажриба: Ўзбекистон Орол денгизи тубини ўрмонга айлантирмоқда



Инглизча «дунёнинг севимли тили» бўлиб қола оладими?



Рўзанинг танамизга таъсирини биласизми?



## Би-Би-Си охири замон ҳақида хабар берди(ми?)

### Энг кўп ўқилган

- 'Ислон республикасида рақс тушиш учун таваккал қилгандик...хатарли таваккал!..' **1**
- Сурия: Ассаднинг туганмас уруши **2**
- Ўзбекистонда мисли кўрилмаган текширувлар ўтказилмоқда  
Сўнги янгиланиш: 29 ноябр 2015 **3**
- Самарқанд ҳокими ва ечинтирилган аёл ўртасида қандай фарқ бор? **4**
- Ўзбекистон: Мирзиёев кадрлар сиёсатининг 'пойдевори қийшиқ' **5**

### Би-би-си Ўзбек хизмати Интернетда

Facebook

Twitter

YouTube

Мой мир

Google+

Telegram

Одноклассники

Instagram

#### Хизматлар



RSS

**News**

**Sport**

**Weather**

**Radio**

[Foydalanish shartlari](#)

[BBC haqida](#)

[Shaxsiy ma'lumot siyosati](#)

[Cookies](#)

[Accessibility Help](#)

[Parental Guidance](#)

[Bi-bi-si bilan bog'laning](#)

[Get Personalised Newsletters](#)

[Биз билан реклама қилинг](#)

[Реклама танлови](#)

**Copyright © 2018 Би-би-си. Bi-bi-si tashqi saytlar uchun mas'ul emas [Tashqi saytlar linklariga munosabatimizga doir](#)**